



## ПОРТЛАШДАН КЕЙИН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ДАСТЛАБКИ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИНING КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ: КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ТЕЗКОР ГУРУҲНИНГ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

**Рустамхон Абулхайров**

Тошкент давлат юридик университети  
“Криминалистика ва суд экспертизаси”

кафедраси ўқитувчиси

r.abulxayrov@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7349505>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>rd</sup> November 2022

Accepted: 20<sup>th</sup> November 2022

Online: 22<sup>nd</sup> November 2022

### KEY WORDS

Портлаш, ҳодиса жойи, кўздан кечириш, дастлабки тайёргарлик босқичи, тезкор гуруҳ.

### ABSTRACT

*Ушбу илмий мақолада портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришда дастлабки тайёргарлик босқичининг криминалистик жиҳатлари, кўздан кечиришда иштирок этувчи тезкор гуруҳнинг таркиби ва уларнинг вазифалари, ҳаракатларни бошқариш ва амалга ошириш қоидалари юзасидан асослантирилган фикрлар билдирилган.*

*Шунингдек, ҳодиса ва жиноят жойида тайёргарлик кўришининг кетма-кетлиги, далилларни тўплаш учун тезкор ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш, далилларни йиғиш бўйича уларнинг вазифаларини белгилаш баён этилган. Шу билан бирга, портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришни амалга ошириш, асосий ускуналарни ажратиш, асосий эхтиёт чораларини белгилаш, кўздан кечириш жойида зарарланишининг олдини олиш чоралари ҳамда аҳамият қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида сўз юритилади.*

Ушбу мавзу портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришда дастлабки тайёргарлик босқичини, кўздан кечиришда иштирок этувчи тезкор гуруҳнинг таркиби ва уларнинг вазифалари ҳақида бўлиб, унда мавзунинг криминалистик жиҳатлари ва методикаси очиқ берилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 13-моддасида  
“Ўзбекистон Республикасида

демократия умуминсоний  
принципларга асосланади, уларга кўра  
инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни,  
қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз  
ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”  
[1] деб кўрсатилган.

Мавзуда кўтарилган масала йилдан-  
йилга долзарб бўлиб бораётган бўлиб,  
портлатиш натижасида жиноят содир  
этилиши жамоат тартибини  
беқарорлаштириши, ушбу турдаги



жиноятларнинг фoш этилмаслиги эса мамлакатда жамоат тартиби, фуқароларнинг ўз хавфсизлигига таъсир этиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иш самарадорлигини сусайтиришига аҳамият қаратишимиз лозим.

Шунга кўра, портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш ўзига хос мураккаб ҳолат эканлигини, унинг методикасини ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш эса иштирокчилар, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф-хатардан сақлашни, кўздан кечиришни ўз вақтида, тўлиқ амалга оширилиши, зарур далилларнинг тўпланиши терговнинг кейинги босқичларининг сифат жиҳатдан таъминлашини унутмаслигимиз керак.

## Таҳлил

Ҳодиса жойини кўздан кечириш дастлаб амалга ошириладиган тергов ҳаракати ҳисобланиб, унинг тўғри ва тўлиқ олиб борилиши кейинги ҳаракатларни амалга оширишга таъсир этиб, натижада қонун бузилиш ҳолатига йўл қўйган шахслар аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 137-моддасида кўрсатилганидек “Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши кўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин. Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга

оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар холис иштирокида кўздан кечириши лозим. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим” [2].

“Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминот тизими таркибидаги технологиялар ушбу тизим субъектларининг нафақат техник, балки тактик воситалар, методлар ва усуллардан маълум бир тартибда фойдаланиш бўйича фаолият механизмини ҳам акс эттиради” [3].

Портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳам кўздан кечиришнинг бир тури ҳисобланиб, уни амалга ошириш мураккаб жараён бўлганлиги учун махус билим ва кўникмалар талаб этилади. Шу сабабли, дастлаб, портлаш бўйича етарлича тушунчага эга бўлиш лозим.

Портлаш деганда юқори сиқилган газларнинг жуда тез кенгайиши натижада, портлаш жойини ўраб турган муҳитда тарқаладиган зарба тўлқини билан бирга, зичлик, босим, ҳарорат ва тезликда кескин сакраш мавжудлиги тушунилади. Бундан ташқари, портлаш ҳар доим ўткир ва кучли овоз билан бирга келади ва кўпинча ёруғлик эффекти содир бўлади.

Юқорида айтилганларнинг барчасидан “Портлаш - тез амалга ошадиган физик ёки кимёвий жараён бўлиб, бунда кичик ҳажмдаги энергияни сезиларли даражада чиқиши, қисқа вақт оралиғида



зарба, тебраниш ва иссиқликнинг портлаш маҳсулотлари билан юқори тезликда кенгайиши туфайли атроф муҳитга таъсири”[4] тушунилади.

Тергов ва терговга қадар текширув жараёнида портловчи моддалар ёки портловчи қурилмалардан жиноий, яъни қўпоровчилик, террорчилик, қотиллик, босқинчилик мақсадларида фойдаланиш, шунингдек радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида юзага келган портлаш фактларини текширишга тўғри келади.

Портлашлар кимёвий ва физик бўлиши мумкин. “Физик портлаш деганда, газлар ёки буғларнинг тўсатдан адиабатик кенгайиш кучининг бир зумда намоён бўлиши билан бирга механик энергия ва зарба тўлқинининг шаклланиши тушунилади”[5].

“Кимёвий портлаш – бу кимёвий моддаларнинг тез ўзгариши натижасида юзага келадиган портлаш бўлиб, унда порловчи маҳсулотлар кенгайиши натижасида потенциал кимёвий энергия иссиқлик ва кинетик энергияга айланади”[6].

Кимёвий портлашларнинг икки тури мавжуд бўлиб, биринчи турга метан ва пропан каби ҳаво билан аралаштирилган газларнинг портлашларини, иккинчи турга портловчи моддалар, яъни махсус яратилган аралашмалар ва композицияларнинг портлашларини киритиш мумкин.

Портловчи моддалар экзотермик хусусиятларга эга бўлиб, улар реакция пайтида ўзидан иссиқлик чиқаради.

Булардан ташқари, физик ва кимёвий портлашлар натижасида экологияга зарар етиб, атроф муҳит зарарланади.

Портлашнинг атроф-муҳитга таъсирига қараб, беш тоифага бўлинади, воқеа жойидаги вазиятдан қуйидаги тоифалар ажралиб туради: “жуда кучли (100 килограммдан ортиқ портловчи моддалар эквиваленти); кучли (10-100 кг.); ўрта (1-10 кг.); заиф (50 граммдан 1 кг.); аҳамиясиз (50 граммдан кам)” [7].

Шундай экан, портлаш қанча кучли бўлса, атроф муҳит шунча кўп зарар етади ҳамда инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Портлаш жараёнида далилий ашёлар ва жиноят излари йўқолади, гувоҳлар ҳалок бўлади, портлаш воситалари ва қурилмалари тўлиқ ёки қисман бузилиб кетади, портлашдан кейин содир бўладиган ёнғин портлаш аломатларини йўқотади, шунинг учун портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш муайян қийинчиликлар туғдиради.

“Жиноятнинг очилиши ва унинг самарали тергов қилинишида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш марказий ўрин тутади ва муҳим аҳамият касб этади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда криминалистик таъминот субъектларининг бу тергов ҳаракатини ўтказишда техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалардан фойдаланиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартибга солинмаган. Бу каби баҳолашнинг мезонлари йўқ. Ушбу фаолиятни баҳоламасдан туриб, ҳодиса жойини кўздан кечириш пайтида



қўлланиладиган техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалар ва технологиялар тизимлари ҳодиса жойини кўздан кечиришда қанчалик оқилона эканлигини, уларни қўллаш натижавийлиги ва кўриб чиқиладиган фаолият мақсадларига эришиш самарадорлиги қай даражада эканлиги бўйича фикр юритиш мумкин эмас” [8].

Юқоридаги ҳолатлар бўйича портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришда бир қатор криминалистик жиҳатларга эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Бунда портлаш содир бўлган жойнинг катта ёки кичик эканлигига аҳамият қаратиб, шундан сўнг кўздан кечириш ҳаракатларини бошқариш қондасини белгилаб олиш лозим.

Портлашдан кейин кўздан кечиришнинг дастлабки таёргарлик босқичида далилларни йиғадиган тезкор гуруҳ зарур транспорт воситаси, керакли ускуна ва анжомлар билан таъминланиши керак.

Шунингдек, ушбу босқичда гуруҳ аъзолари ҳодиса жойида ҳаракатни бошқариш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар тўплами ва материаллар билан таъминланиши, уларга шахсий ҳимоя воситалари тақдим этилиши, уларнинг криминалистик лаборатория ва тергов чемодонида анжомлар тўлиқ бўлиши ҳамда мутахасислар билан доимий алоқа таъминланган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, кўздан кечиришнинг дастлабки босқичда тезкор гуруҳ таркиби шакллантирилиб, улар кийим, алоқа воситалари, ёритиш, бошпана, озик-овқат маҳсулотлари, ичимлик билан таъминланиб, ҳодиса жойига тиббий ёрдам, махсус асбоб ва

ускуналар ҳамда махсус техникалар келтирилган бўлиши лозим.

Портлашдан кейин ҳодиса жойида ишловчи тезкор гуруҳнинг асосий олтига муҳим аъзоси бўлиб, шартли равишда уларга гуруҳ раҳбари, фотограф, ҳодиса жойини схемасини тузувчи мутахасис, ашёвий далилларни сақловчи ва рўйхат (реестр) юритувчи маъсул, ашёвий далилни олувчи мутахасис, экспертларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу тезкор гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг асосий вазифалари бўлиб, уларга қуйидагилар киритилиши лозим. Жумладан, тезкор гуруҳ раҳбарининг асосий вазифаларига ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнига раҳбарлик қилиш, қўл остидаги тезкор таркиб хавфсизлигини таъминлаш, бошқарув журналининг тузиш ва юритиш, дастлабки кўздан кечиришни амалга ошириш ва гуруҳни йўриқнома билан таништириш, раҳбарлик штабини тузиш, кўздан кечиришни ўтказиш вақтидаги барча жараённи назорат қилиш, гуруҳ учун вазифа ишлаб чиқиш, ҳодиса жойидаги хавфсизликни таъминлаш, воқеа жойига келувчиларнинг рухсатини текшириш, ҳодиса жойини якуний кўздан кечириш, кўздан кечириш якунлангандан кейин ҳодиса жойини бўшатиш киради.

Бунда гуруҳ раҳбари аъзолар ўртасида ахборот алмашиш жараёнини осонлаштириши, ҳудуддаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро алоқада бўлиши, барча иштирокчилар билан ишчи муносабатларини йўлга қўйиши, шунингдек улар ўртасида алоқа ўрнатувчи бўлиши лозим.



Портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида, кўздан кечириш баённомаси тузилиши, унда портлаш ҳолати қаерда, қачон, нима сабабдан содир бўлганлиги, кўздан кечиришда кимлар иштирок этганлиги, нималар олинганлиги, қандай тартибда олинганлиги, шунингдек кўздан кечиришдаги асосий ҳолатлар ва ҳодиса жойини бўшатилиши кўрсатилиши лозим.

Фотографнинг вазибаларига, ҳодисанинг барча жойини кўздан кечириш бошланишидан олдин ва якунлангандан кейин, иш учун муҳим далилларни, яширин бармоқ изларини заруриятига қараб умумий, тўлиқ, ўрта ва яқин (ўлчагичли ва ўлчагичсиз) ҳолатда фотосуратга олиш, шунингдек баённома учун фотожадваллар тайёрлаш киради.

Фотограф томонидан фотосуратларни рўйхатга олиш журналида, фотосуратчи кимлиги, қачон суратга олинганлиги, вақти, фотосуратга олинган манзил, иш жилди бўйича маълумот, фотосуратчи ишлайдиган ташкилот номи тўғрисидаги маълумотлар бўлиши, ушбу журнални фотограф ёки журнални сақлаш учун маъсул бўлган шахс тўлдириши лозим.

Ҳодиса жойининг схемасини тузувчи мутахассиснинг вазибаларига схематик тасвир ва режани тузиш, шунингдек схематик тасвирда жиноят жойининг белгиларини белгилаш, ашёвий далиллар топилган жойни белгилаш, схематик режада эса иш рақами, санаси, жойи, тузувчи ҳақидаги маълумотларни киритиш, компас орқали шимолий йўналишни кўрсатиш, схема масшабли ёки масштабсизлиги, шартли белгилар

тўғрисида маълумотларни киритиш киради.

Портлашдан кейин ҳодиса содир бўлган жой схемаси (схематик тасвири)да, у қачон, қаерда, ким томондан тузилганлиги кўрсатилиши ва иштирокчилар томонидан имзоланиши лозим.

Тузилган схематик тасвирда далил йўналишини белгилаш, объектлар шартли (калит) белгилар билан кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ашёвий далилларни сақловчи ва реестри (рўйхати)ни юритувчи маъсул шахснинг вазибаларига далилий ашёларни рўйхатга олиш журналини тайёрлаш, барча далилий ашёларни қабул қилиб олиш ва улар тўғрисида журналга маълумотлар киритиш, уларни тўғри ўралиши ва сақланишини мувофиқлаштириш, шу билан бирга ҳужжатларнинг тўғрилигини кузатиш киради. Шунингдек, у далилий ашёлар сақланишига жавобгар шахс бўлиб, ушбу далилий ашёларни бошқариш, сақланишини назорат қилиш унинг асосий вазибаси ҳисобланади.

Далилий ашёларни рўйхатга олиш журналида нима сақланаётганлиги, қаерда сақланаётганлиги, ким томонидан олиб келинганлиги, қандай ўрам (қоғоз, полиэтилен, коробка)га ўралгани, қандай ашё (қимматли буюм, гиёҳванд модда, ўқотар қурол, биологик хавфли модда, хавли ашё, портловчи модда, нам ҳолатда) эканлиги ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Ашёвий далилни оловчи мутахассиснинг вазибаларига ашёвий далилларни аниқлаш ва тўплаш (йиғиш), улар йиғилишидан олдин расмга олинишини таъминлаш, далилий ашёлар муҳрланган санасини



ва ўзининг исм-шарифи қўйиш ҳамда ашёвий далиллар сақловчи ва рўйхати (реестри)ни юритувчига топшириш киради.

Булардан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечиришда экспертнинг иштирок этиши муҳим бўлиб ҳисобланади.

Портлашдан кейин ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга иштирок этувчи экспертлар гуруҳига антропологлар, энтомологлар, ботаниклар, геологлар, шунингдек бармоқ излари, хавфли материаллар, портлаш техникалари бўйича мутахассислар, қидирув итлари ва бошқалар киритилиши мумкин.

Экспертлар олдида уларнинг мутахассислигидан келиб чиқиб фан, техника, санъат ёки хунар соҳаси бўйича саволлар қўйилади, уларнинг вазифасига эса қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериш киради.

### **Хулоса**

Бир сўз билан айтганда портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришда дастлабки тайёргарлик

босқичининг криминалистик жиҳатлари, кўздан кечиришда иштирок этувчи тезкор гуруҳнинг таркиби ва уларнинг вазифаларини ишлаб чиқиш, портлаш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иш фаолиятини самарадорлигини таъминлайди.

Шунингдек, кўздан кечиришнинг тайёргарлик босқичи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, унда иштирок этувчи тезкор гуруҳнинг таркиби ва уларнинг вазифаларини тақсимланиши эса иш самарадорлигини оширади, тегишли техник воситалар таъминланиши эса, далилларни тўлиқ олинишига ёрдам беради ҳамда кейинги тергов ҳаракатларини осонлаштиради.

Шу билан бирга портлашдан кейин кўздан кечириш методикаси ишлаб чиқилиб, унга риоя этилиши иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаб, ушбу ҳолатда бирон бир вазиятни эътиборсиз қолдирилмаслигига ҳамда тўсатдан содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга сабаб бўлади.

### **References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент шаҳри, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси, Тошкент шаҳри, 1994 йил.
3. «Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик технологияси тушунчаси» Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 10 (2021) / ISSN 2181-1415 Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>.
4. Андреев С. Г., Бабкин А. В., Баум Ф. А. и др. Физика взрыва / Под редакцией Л. П. Орленко. — издание 3-е, переработанное и дополненное. — М.: Физматлит, 2004. — Т. 1. — С. 75.
5. Дильдин Ю. М., Мартынов В. В., Семенов А. Ю., Шмырев А. А. Взрывные устройства промышленного изготовления и их криминалистическое исследование. М., 1991, с. 5.



6. Государственный стандарт РФ ГОСТ Р 22.0.08-96 "Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Техногенные чрезвычайные ситуации. Взрывы. Термины и определения" [Электронный ресурс]: принят пост. Госстандарта РФ от 29 мая 1996 г. N 333 - Справочно-правовая система "Консультант Плюс".
5. Моторный И.Д. Криминалистическая взрывотехника: новое учение в криминалистике. М., 2000, с. 27.
8. Абдуллаев Р.К. «Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг техник-криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш принциплари» // Principles of evaluating the effectiveness of forensic support for the inspection of the scene // IJORCES international journal of conference series on education and social sciences. (online) Bursa, Turkey (ISSN 2717-7076). january 2022. P. 193-196. <https://ijorces.org/index.php/ojs/article/view/196/199>.
- Рус тилидаги адабиётлардаги матн.
9. Из всего выше сказанного можно сказать, что «Взрыв – быстропротекающий физический или химический процесс, проходящий со значительным выделением энергии в небольшом объёме за короткий промежуток времени и приводящий к ударным, вибрационным и тепловым воздействиям на окружающую среду вследствие высокоскоростного расширения продуктов взрыва». (Андреев С. Г., Бабкин А. В., Баум Ф. А. и др. Физика взрыва / Под редакцией Л. П. Орленко. — издание 3-е, переработанное и дополненное. — М.: Физматлит, 2004. — Т. 1. — С. 75. )
10. Взрывы бывают химической природы и физической. «Под физическим взрывом понимается мгновенное проявление действия силы внезапного адиабатического расширения газов или паров, сопровождающееся механической энергией и образованием ударной волны» ( Дильдин Ю. М., Мартынов В. В., Семенов А. Ю., Шмырев А. А. Взрывные устройства промышленного изготовления и их криминалистическое исследование. М., 1991, с. 5.)
11. «Химические взрыв- это взрыв, вызываемый быстрым химическим превращением веществ, при котором потенциальная химическая энергия переходит в тепловую и кинетическую энергию расширяющихся продуктов взрыва». ( Государственный стандарт РФ ГОСТ Р 22.0.08-96 "Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Техногенные чрезвычайные ситуации. Взрывы. Термины и определения" [Электронный ресурс]: принят пост. Госстандарта РФ от 29 мая 1996 г. N 333 - Справочно- правовая система "Консультант Плюс".)
12. В зависимости воздействия взрыва на окружающую среду, существует разделение взрывов на пять категорий, в зависимости от разрушения обстановки на месте происшествия выделяют следующие категории: «очень сильные (более 100 килограмм взрывчатого вещества в тротиловом эквиваленте); сильные (10-100 кг.); средние (1-10 кг.); слабые (от 50 грамм до 1 кг.); незначительные (менее 50 грамм)». (Моторный И.Д. Криминалистическая взрывотехника: новое учение в криминалистике. М., 2000, с. 27.)